



ИНТЕРНЕТ МАРКЕТИНГ ТИЗИМИДА АХБОРОТ ТАЪМИНОТИ

Тураев А.К¹, Ҳамраев Ж.Х²

¹ Шаҳрисабз “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейи информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчиси,

² Шаҳрисабз “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейи информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчиси

AzamTurayev1982@gmail.com, Everest_neytral@bk.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5759317>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20- Noyabr 2021

Ma'qullandi: 25- Noyabr 2021

Chop etildi: 30 - Noyabr 2021

KALIT SO'ZLAR

Интернет, маркетинг,
MAT, ахборот, модел

ANNOTATSIYA

Ушбу мақолада интернет маркетинг тизимида замонавий ахборот технологиялари ва воситларидан кенг фойдаланишга тавсиялар келтирилган. Интернет маркетинг ахборотлари турлари кенг ёритилган.

Маълумки, Интернет маркетинг ахбороти Интернет маркетинг фаолиятида қарор қабул қилиш учун асос ҳисобланади, шунингдек, қарор қабул қилгандан кейин олинган натижаларни таҳлил қилиш учун ҳам керақдир. Кўпгина маркетингларнинг таъкидлашича, ахборот билан боғлиқ фаолият бутун Интернет маркетинг фаолияти ҳажмининг учдан бир қисмидан тортиб ярмигачасини ташкил қилади.


Интернет маркетинг мақсадларига мўлжалланган ахборотни бир нечта гуруҳларга бўлиш мумкин. Хусусан, бозор ва унинг конъюнктураси ҳақидаги ахборот, сотиш (савдо)нинг услублари ва шакллари ҳақидаги ахборот ва, ниҳоят, ўз корхонаси ҳақидаги ахборот.

Корхонада шаклланаётган ахборотлар массиви бир мартали Интернет маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ҳисобига ва Интернет маркетинг ахборотини тўплаш, ишлов бериш ва таҳлил қилиш натижасида даврий равишда кенгайиши ва янгиланиши керак.

Интернет маркетинг ахборот тизими (MAT) корхонанинг Интернет маркетинг фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни тўплаш, жамлаш ва ишлов беришнинг усуллари, услублари, ташкилий тадбирлари ва техник воситаларининг йиғиндиси, деб таърифланади. MAT корxonани бошқаришдаги ахборот тизимининг энг муҳим таркибий қисмидир.



МАТнинг ўзига хос томони шундан иборатки, у ахборотнинг ички ва ташқи манбаларидан фойдаланиб бозор билан алоқаларнинг ривожланишини таъминлайди. Интернет маркетинг ахборот тизимининг тахминий модели 1-расмда келтирилган.



Интернет маркетинг ахборот тизимининг модели

Тажрибалар шуни кўрсатадики, корхонадаги ахборот тизимлари турли

хил ривожланиш босқичида бўлиши мумкин, шу жумладан:

- маълумотларни ҳисобга олишнинг оддий модели;
- Интернет маркетинг ҳисоботлари тизими;
- турли ҳисоб-китоб моделларини қўллашга мўлжалланган тизимлар;
- Интернет маркетингни прогнозлаш тизими ва ҳоказо.

Замонавий Интернет маркетингнинг ахборот тизими қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

1. Интернет маркетинг фаолиятини шакллантиришда корхонанинг ички имкониятларидан самарали фойдаланиш.

2. Корхонанинг бозордаги Интернет маркетинг фаолиятининг стратегик ва оператив қарорларини ишлаб чиқиш учун ташқи шароитларнинг ривожланиши ҳақидаги ахборот.

3. Ўзига хос ҳарактердаги қўшимча маълумотларни олиш мақсадида корхонада ўтказиладиган махсус Интернет маркетинг тадқиқотлари натижалари ҳақидаги ахборот.

4. Интернет маркетинг ахборотига ишлов бериш тизими (маълумотларни йиғиш, уларни таҳлил қилиш ва прогнозлаш учун замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда).



Куйида батафсил ёритиладиган Интернет маркетинг тадқиқотлари бозор ривожланишининг тенденциялари ва жараёнлари, унинг сифими, сотилишлар динамикаси, рақобатчиларнинг хатти-ҳаракатлари, шунингдек, истеъмолчилар хатти-ҳаракатларининг сабаблари, маҳсулотнинг рақобатбардошлиги, рағбатлантириш ва рекламанинг самарадорлиги, тақсимлаш каналлари ва бошқаларга нисбатан қўлланади.

Йиғилган Интернет маркетинг ахборотига ишлов бериш мақсадида тегишли дастур асосида аналитик Интернет маркетинг тизими яратилади. У маълумотлар банки ва моделлар банкини ўз ичига олади. Прогнозлаш жараёнларининг таҳлилини ўтказишда ўртача миқдорлар, гуруҳлашлар, трендлар, регрессион ва корреляцион усуллар, омилли ва кластерли таҳлил, қарорларни қабул қилиш назарияси усуллари, жараёнларни ўрганиш усуллари, эвристик усуллар ва шу каби бошқа иқтисодийстатистик ва иқтисодийматематик усуллар қўлланади.

Ҳосил бўлиш босқичларига қараб Интернет маркетинг ахборотини қуйидаги икки турга бўладилар:

бирламчи ахборот — аниқ Интернет маркетинг муаммосини ечиш учун махсус дала (бозор) тадқиқотлари ва моделлаш асосида ҳозиргина олинган маълумотлар массиви;

иккиламчи ахборот — қачонлардир корхонада тадқиқ қилинаётган аниқ муаммо ечими билан боғлиқ бўлмаган қандайдир мақсадлар учун кимдир томонидан тўпланган маълумотлар тўплами.

Ахборотнинг иккала тури ҳам ўзига хос афзалликлар ва камчиликларга эга. Масалан, иккиламчи ахборот арзонроқ тушади, уни олиш ва ишлатиш осон, шунингдек, у нисбатан ҳаққонийдир. Бироқ Ўзбекистон шароитида, аниқроғи унинг ахборот маконида ҳозирча малакали Интернет маркетинг маълумотлари жуда кам, -расмий, шу жумладан, қайдномали ва регионал статистика эса тарқоқ, камдан-кам ҳолда тизимли кўринишда берилган ва шунинг учун ҳамма вақт ҳам кузда тутилаётган Интернет маркетинг фаолиятининг мақсадларини акс эттирмайди.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Normurodov Ch.B. Mengliyev Sh.A. PHP7 dasturlash tili - O'quv qo'llanma – Termiz: "Xamidi xususiy firmasi", 2020, 218 bet.
2. Vasilev A. N. Python na primerax. Prakticheskiy kurs po programmirovaniyu. — SPb. Nauka i Texnika, 2016. — 432 st.
3. Dj. Forse, P. Bisseks, U. CHan - Django. Razrabotka veb-prilopeniy na Python, Simvol-Plyus , 2010. – 456 st